

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Янгиқўрғон шаҳарчаси

2025 йил 4 ноябрь

Янгиқўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ж.С.Мусабоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Халиловнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи “Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi” давлат муассасасининг жавобгар “Kavsar Health Center” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган 2020 йил 24 декабрдаги 0685-сонли лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги аризасини тарафлардан: аризачи вакили Р.Рахимов (ишончнома асосида), жавобгар раҳбари М.Дадамирзаев (шахсий маълумот асосида)лар иштирокида суд биносида ўтказилган видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

“Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi” давлат муассасаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, “Kavsar Health Center” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) га нисбатан дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган 2020 йил 24 декабрдаги 0685-сонли лицензияни бекор қилишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризани қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлисида аризага эътироз билдириб, уни рад этишни сўради.

Суд аризачи ва жавобгар вакилини тушунтиришларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ишдаги тўпланган ҳужжатлардан ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд муҳокамаси давомида берган тушунтиришларидан аниқланишича, жавобгарга дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган 2020 йил 24 декабрдаги 0685-сонли лицензия расмийлаштирилган. Унга кўра, жавобгар фармацевтика соҳасини амалга оширишни ўз зиммасига олган.

Ушбу соҳадаги ишларни амалга ошириш жараёнида даъвогар томонидан ўтказилган текширишда 51 турдаги дори воситаларига мувофиқлик сертификати расмийлаштирилмаганлиги, 14 турдаги дори воситалари амалдаги тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган

дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрида қайд этилмаганлиги ҳамда 21 турдаги дори воситалари яроқлилик муддати ўтганлиги аниқланган.

Шунга кўра, аризачи судга лицензияни бекор қилиш юзасидан ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли низом 29-илоvasи “Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш паспорти” 9-бандининг (б)-кичик бандига кўра, дори воситалари ва тиббий буюмларни мувофиқлик сертификатларисиз сақлаш ва (ёки) реализация қилиш, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган, маркировкаланмаган, сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини сақлаш ва (ёки) реализация қилиш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахс томонидан реализация қилинишига, фаолиятни лицензияда кўрсатилмаган манзилда амалга оширилишига йўл қўймаслиги лицензия талаби ва шартларини кўпол равишда бузиш ҳисобланишлиги бегиланган.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига кўра, Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қуйидаги ҳолларда бекор қилинади: лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда; юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини ёки ҳаракатларни (фаолиятни) амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно; яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда; жисмоний шахсининг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда; лицензия берилганлиги учун давлат божи ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун йиғим белгиланган муддатда тўланмаганда; лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда; ваколатли органнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда; лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки

рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда; лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарлик фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади; лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг тўққизинчи — ўн биринчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда қонунчиликда белгиланган фаолият турлари учун бир йил давомида қайтадан лицензия берилмайди. Мазкур талаб тадбиркорлик субъектининг муассиси ёки бенефициар мулкдори томонидан ташкил этиладиган янги тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи — ўн биринчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан бекор қилинади.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар томонидан лицензияни талаб ва шартлари қўпол равишда бузилган деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аризани қаноатлантириш лозим бўлади.

ИПК 118-моддаси биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд ариза талабини қаноатлантиришни, тўланган суд-почта харажатларини жавобгардан аризачи фойдасига ундиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозитига 103 000 сўм видеоконференцалоқа харажатини ундиришни ва мазкур иш бўйича давлат божи ундирмасликни лозим топади.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 217, 222-моддаларини қўллаб,

## **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

Аризани қаноатлантирилсин.

“Kavsar Health Center” масъулияти чекланган жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун берилган 2020 йил 24 декабрдаги 0685-сонли лицензияси бекор қилинсин.

“Kavsar Health Center” масъулияти чекланган жамияти хисобидан “Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi” давлат муассасаси фойдасига 41 200 сўм почта харажати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозитига 103 000 сўм ВКА харажати ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан апелляция ва кассация тартибида Наманган вилоят судининг иқтисодий судлов ҳайъатига шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик этувчи**

**Ж.С.Мусабоев**

